# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2013 йил Обод турмуш йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 22-NOYABR, JUMA, 141 (8222)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21 ноябрь куни Оқсаройда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) президенти Такехико Накаони қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, ОТБ билан мамлакатимиз ўртасида мустаҳкам ва ишончли ҳамкорлик қарор топганини, ушбу банк Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаб, тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишга катта ҳисса қўшаётганини таъкидлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон – ОТБ ҳамкорлиги 14,5 миллиард АҚШ долларига тенг 40 лойиҳани ўз ичига олган. Бу лойиҳалар учун ОТБнинг умумий қиймати 4,9 миллиард доллардан зиёд ресурслари жалб қилинган. Ҳамкорликда Таллимаржон ИЭСида 900 МВт қувватга эга бўлган иккита буғ-газ қурилмаси барпо этиш, автомобиль йўллари қуриш ва уларни реконструкция қилиш бўйича кенг кўламли дастур, Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуини барпо этиш, қишлоқ жойларда уй-жой қуриш дастури каби стратегик муҳим инвестициявий лойиҳа ва дастурлар амалга оширилмоқда.

Музокарада томонлар Ўзбекистон билан мамлакатимизнинг етакчи халқаро молиявий шериги бўлган Осиё тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорлик стратегик аҳамият касб этиши ва узоқ муддатли асосга эга эканини мамнуният билан таъкидладилар.

Айни пайтда ОТБнинг Осиё минтақасида қуёш энергетикасини ривожлантириш борасидаги ташаббусини рўёбга чиқариш икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидан биридир. Бу ташаббус ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг 2010 йил май ойида Тошкентда бўлиб ўтган Йиллик мажлисида илгари сурилган эди. У, жумладан, яқин йилларда Осиёда 3 минг МВт қувватга эга қуёш электростанциялари қуришни кўзда тутади.

Мазкур ташаббус доирасида Ўзбекистон ва ОТБ Самарқанд вилоятида 100 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектрик станциясини қуриш лойиҳасини амалга оширишга киришди. Мазкур станция минтақамизда бу йўналишдаги илк станция бўлади. ОТБ билан биргаликда 2013 йилда Тошкентда Халқаро қуёш энергияси институти ташкил этилди. Бу муассаса нафақат Ўзбекистон, балки бутун Осиё қитъасининг бошқа мамлакатларида ҳам қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтиришга қаратилган янги қўшма лойиҳаларни амалга оширишда муҳим омил бўлади.

Осиё қуёш энергияси форумининг Тошкентда ўтаётган 6-мажлиси ушбу соҳада Ўзбекистон билан ОТБ ўртасида кенгайиб бораётган ҳамкорликнинг мантиқий давомидир. Бу анжуманда ҳукуматлар, халқаро молия институтлари, ускуна ишлаб чиқарувчи компаниялар, илмий-тадқиқот марказларидан қарийб 300 нафар вакил, Осиё мамлакатларидан, шунингдек, Европа, Шимолий ва Жанубий Америкадан қуёш энергияси соҳаси бўйича мутахассислар ва экспертлар қатнашмоқда.

ОТБ президентининг ушбу ташрифи доирасида "Самарқанд шаҳрида 100 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектрик станциясини барпо этиш", "Аму-Бухоро ирригация тизимини реабилитация қилиш" ҳамда "Кичик ва микромолиялашни ривожлантириш" лойиҳалари бўйича умумий қиймати 380 миллион АҚШ долларига тенг молиявий битимлар имзоланди.

Учрашувда Т.Накао ОТБ томонидан кўп томонлама ҳамкорликда амалга оширилаётган, бутун минтақа учун катта аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаётгани учун Ўзбекистонга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида узоқ муддатли ва ўзаро манфаатдорлик асосида икки томонлама ҳамкорликни, шунингдек, минтақавий лойиҳаларни амалга оширишда биргаликдаги саъй-ҳаракатларни кенгайтириш ва ривожлантириш истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Айни пайтда томонлар 2014-2016 йилларга мўлжалланган Икки томонлама ҳамкорлик дастурини муҳокама қилмоқда. Бу ҳужжатда нефть-газ сектори, электр энергетикаси, транспорт инфратузилмаси, сув таъминоти, уй-жой қурилиши, кичик бизнес, соғлиқни сақлаш, таълим ва коммунал соҳа каби йўналишларда устувор лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Томонлар мазкур Дастур ўзаро шериклик муносабатларини сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойитишига, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш учун пухта замин яратишига ишонч билдирдилар.

Т.Накао самимий қабул ва ОТБнинг Ўзбекистондаги фаолиятига берилган баҳо учун Президентимиз Ислом Каримовга миннатдорлик билдириб, Осиё қуёш энергияси форумининг 6-мажлиси Тошкентда ўтказилиши қўллаб-қувватлангани ва юксак савияда ташкил этилгани учун ташаккур изҳор этди.

**ЎзА**

## ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов 2013 йил 25-26 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Олий даражадаги учрашувлар ва музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи, уни янада ривожлантириш истиқболлари, муҳим минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама этилади.

Ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, турли соҳаларга оид икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳужжатларни имзолаш мўлжалланмоқда.

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**20 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳасини муҳокама этдилар. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири А.Ҳаитов ушбу масала бўйича маъруза қилди.**



## ДЕПУТАТЛАР 2014 ЙИЛДА ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилганлиги ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун киритилганлиги таъкидланди. Дастурдан кўзланган мақсад – демографик омиллар ва иқтисодиётдаги таркибий ислоҳотларни ҳисобга олган ҳолда ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг салоҳиятини ишга солиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, бандлик ва тадбиркорликнинг самарали шаклларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича кенг миқёсдаги ва бир-бири билан ўзаро боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.

Кейинги йилда 983,6 мингта иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда. Асосий эътибор таълим муассасаларининг битирувчиларини, аёлларни, ногиронларни ҳамда аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бошқа тоифаларини ишга жойлаштиришга қаратилади.

Дастур ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, биринчи навбатда, кўп болали аёллар, ногиронлар, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштириш, касбга қайта тайёрлаш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш борасида фаол ва аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга доир тармоқ дастурларини ҳисобга олган ҳолда вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича алоҳида-алоҳида ишлаб чиқилди. Боз устига, иш ўринларини ташкил этиш параметрлари инвестиция дастури, ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантириш, корхоналарни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини пухта қайта ишлаш, транспорт ва коммуникация қурилиши, ижтимоий ҳамда бозор инфратузилмаси дастурлари билан ўзаро боғлиқ.

Депутатлар иш ўринларини ташкил этиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устуворликларидан бири, халқнинг турмуш даражаси ва сифатини оширишнинг зарур шарти эканлигини таъкидладилар. Дастур янги объектларни ишга тушириш, ишлаб турган ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, қайта жиҳозлаш ҳамда улардан тўлароқ фойдаланиш, саноатда, қурилишда, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида кичик бизнесни жадал ривожлантириш, инфратузилма, коммуникация ва уй-жой қурилиши кўламларини кенгайтириш, меҳнатнинг касаначилик шакллари имкониятларини кенгайтириш, бекор турган корхоналарни тиклаш ҳисобига мақбул миқдорда иш ўринларини ташкил этишга ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилгандир.

Дастур лойиҳасини ҳар томонлама муҳокама этиш доирасида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар партиянинг Сайловолди дастурида, биринчи навбатда, айниқса, қишлоқ ёшларини ва аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш орқали бандлик масалаларини ҳал қилишга кўмаклашиш муҳим эканлиги кўрсатиб ўтилганлигини қайд этдилар. Фракциянинг фикрича, мазкур ёндашув тадбиркорлик соҳасида янги иш ўринларининг ташкил этилиши имкон қадар қулай ишчанлик муҳитининг шаклланиши билан бевосита боғлиқлигига асосланади. Ушбу ҳолатни инобатга олган ҳолда, шунингдек, ўз электоратининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, фракция Дастурни кўриб чиқишда айнан шу йўналишга алоҳида эътибор қаратди.

**(Давоми 2-саҳифада)**

*Пойтахтимиздаги Турин политехника университетида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда бир қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида "Хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш доимий эътиборда" мавзуида анжуман ташкил этилди.*

## АЁЛЛАР МАНФААТИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова ва бошқалар мамлакатимизда оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза этиш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани, хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга муносиб шарт-шароит яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлашди.

Бу жараёнда яратилган мустаҳкам қонунчилик базаси муҳим дастуриламал вазифасини ўтаётир. Оила мустаҳкамлигини таъминлаш, она ва бола саломатлигини сақлаш борасида олиб борилган саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, мустақиллик йилларида аёлларнинг умр кўриш давомийлиги 66 ёшдан 73,5 ёшга узайди. Оналар ва болалар ўлими 3 бараварга камайишига эришилди.

Қайд этилганидек, жорий йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали хотин-қизларни иш билан таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, ўтган тўққиз ой давомида 372 мингга яқин иш ўрни яратилди. Уларнинг салкам 85 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келди.

Анжуман доирасида кўплаб маърузалар ва семинарлар ўтказилди. Уларда аёлларнинг жамиятдаги роли ва мавқеини янада ошириш борасида олиб борилиши лозим бўлган ишлар таҳлил этилди. Жамиятда уларнинг фаоллигини ошириш борасида ўзаро тажриба алмашилди.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**



Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

## ХАЛҚАРО ФОРУМ ИШТИРОКЧИЛАРИ САМАРҚАНДНИ ЗИЁРАТ ҚИЛДИ

**«ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТЕНДЕНЦИЯ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ» МАВЗУСИДАГИ ОСИЁ ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ ФОРУМИНИНГ ОЛТИНЧИ МАЖЛИСИ ИШТИРОКЧИЛАРИ 21 НОЯБРЬ КУНИ САМАРҚАНДГА ТАШРИФ БУЮРДИ ВА ҚУЁШ ФОТОЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИНИНГ ТАҚДИМОТИДА ИШТИРОК ЭТДИ.**

2

Андижон Вилояти

ИНТИЛИШ

## ИМКОНИЯТЛАР КЕНГАЙИБ, ФАОЛИЯТ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

### «АНДИЖОН ПАХТАСАНОАТ» ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ КОРХОНАЛАРИДА ҚЎШИМЧА ТАРМОҚЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАНИ ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛИШИГА ОМИЛ БЎЛМОҚДА

**Пахтаобод туманидаги "Қўқонқишлоқ" пахта тозалаш корхонаси фаолияти маълум сабабларга кўра, тўхтаб қолгач, бу ерда янги ишлаб чиқариш тармоғини барпо этиш бўйича таҳсинга сазовор ишлар олиб борилди. Пахта тозалаш саноати учун зарур бўлган ўров матосини иккиламчи маҳсулотлардан тўқиш йўлга қўйилди. 2011 йилнинг бошида дастгоҳлар олиб келиниб ўрнатилди ва 30 нафар ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлди. Бу борада ишлаб чиқилган режа бозор иқтисодиёти талабларига мослиги, манфаатли эканлиги тезда ўз исботини топди.**

Янги корхонада айланма маблағнинг ўсиши туфайли имкониятлар кенгайиб, трикотаж кийим-кечаклар тайёрлашни йўлга қўйиш бўйича ҳаракат бошланди. Бунинг учун Хитойдан тикув-бичув машиналари олиб келинди ва ишга туширилди. Натижада 50 киши иш билан таъминланди.

Ҳозирда "Пахтаобод нотўқима" корхонасида 90 киши меҳнат қилади. Уларнинг 60 фоизини коллеж битирувчилари ташкил этади. Зулхумор Тожиддинова, Барнохон Аҳмаджонова, Барнохон Юсупова каби устозлар кўмагида тикувчилик-бичувчилик касби сирларини ўзлаштираётган кечаги ўқувчилар қўлидан чиқаётган ўнлаб хилдаги трикотаж кийимлар кўриниши, сифати билан харидорларни ўзига тортмоқда.

Корхона раҳбари Абдувоҳид Абдуқодировнинг айтишича, ҳозирда трикотаж матолар бошқа турдош корхоналардан келтириляпти. Бу ерда эса ҳали бўш турган бинолар кўп бўлиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун имконият бор. Шунинг учун ҳам бу ерда трикотаж матосини тўқиш, керакли рангга бўяш технологиясини жорий этиш бизнес-режаси ишлаб чиқилди. Ушбу режа амалга ошиши натижасида корхонада яхлит тизим пайдо бўлади. Эҳтиёждан ортган трикотаж матоларни кун сайин ривож топаётган янги соҳа тадбиркорларига ҳам етказиб бериш имконияти юзага келади. Энг муҳими, иш ўринлари сони 300 тадан ортиши кутилмоқда.

"Андижон пахтасаноат" бирлашмаси корхоналарида ипак қурти парвариш қилиш, маиший хизмат тармоқларини барпо этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг ўзида пахта тозалаш корхонала-



ри ва унинг жойлардаги тайёрлов масканларида 20 та мажмуа фойдаланишга топширилди. Улар таркибида савдо, маиший хизмат ҳамда ҳар бирида 50 қути ипак қуртини парваришлаш мумкин бўлган комплекслар мавжуд.

Вилоятнинг 20 та ҳудудида қад ростлаган мажмуалар қишлоқларнинг қиёфасини ўзгартириш баробарида мингга яқин янги иш ўрни яратилишига туртки берди.

Ипак қурти парвариш қилишнинг янги йўналиши соҳанинг янада ривожланишига омил бўлаётганлиги дастлабки йилдаёқ кўзга ташланди. Айниқса, ипакчиликнинг озуқа базаси бўлмиш тутчиликда янгича ёндашув юзага келди. Интенсив тут кўчатлари яхши ривожланмоқда, келгуси йилдан бошлаб унинг барги ипак қурти парваришида асқота бошлайди.

— Шу кунларда яна 20 та ҳудудда янги пиллахоналар қурилиши бормоқда, — дейди бирлашма бўлим бошлиғи Нодир Исоқов. — 2014 йилда 2000 қути ипак қурти парвариш қилинади. Эрта баҳорда барпо этилган 100 гектар тутзор майдони яна шунчага кенгаяди. Хориждан келтирилган тут кўчати барча пиллачиларга маъқул келяпти. Пастак бўйли, баргини териб олиш ўта қулай бўлган янги тут дарахти соҳа ривожини таъминлашга хизмат қилади.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# ХАЛҚАРО ФОРУМ ИШТИРОКЧИЛАРИ САМАРҚАНДНИ ЗИЁРАТ ҚИЛДИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Ўзбекистонда муқобил энергия манбаларини жорий этишни янада кенгайтириш ва ривожлантиришга доир кенг кўламли ва изчил ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 1 мартда қабул қилинган "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борада муҳим омил бўлмоқда. Фармонда муқобил энергетика соҳасидаги илмий салоҳиятни янада ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш, муқобил энергия манбаларини ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчиларни рағбатлантириш, уларга солиқ ва божхона имтиёзлари бериш, "Муқобил энергия манбалари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифалари белгиланган. Хусусан, фармонда Самарқанд вилоятида қуёш фотоэлектр станциясини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш маъқулланган.

100 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектр станциясини қуриш Ўзбекистон ва Осиё тараққиёт банкининг ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларидан биридир. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси буюртмасига асосан станциянинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқмоқда. Лойиҳанинг амалга оширилиши Осиё тараққиёт банкининг имтиёзли кредити ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Самарқанд вилоятида қуёш фотоэлектр станциясини қуриш учун 400 гектар ер ажратилди. Форум қатнашчилари лойиҳа тақдимотида иштирок этиб, станция макети билан танишди.

– Ўзбекистон муқобил энергетикани ривожлантиришда улкан ютуқларга эришмоқда, – деди Осиё тараққиёт банки вакили Пол Хаттл. – Таъкидлаш жоизки, бу борадаги ишлар мамлакатни барқарор ривожлантириш учун жуда муҳимдир. Хусусан, муқобил энергетиканинг янги технологияларини жорий этаётган хусусий тадбиркорларнинг қўллаб-қувватланаётгани ҳар томонлама ўрганишга муносибдир. Биз Самарқанд вилоятида қуёш фотоэлектр станцияси қурилиши лойиҳасининг тақдимотида қатнашдик. 100 МВт қувватга эга бундай станция қурилиши Ўзбекистонда гелиоэнергетикани ривожлантириш соҳасидаги яна бир улкан ютуқ бўлади.

Самарқанд вилоятида қуёш фотоэлектр станциясининг барпо этилиши ҳудудни йилига 150 миллиарддан ортиқ кВт/соат электр энергияси билан таъминлаш имконини беради. Ҳар йили 40 миллион куб метр табиий газ тежалади, атмосферага чиқадиган буғ газлари 200 минг тоннадан кўпроқ камаяди. Қуёш фотоэлектр станциясининг ишга туширилиши натижасида 50 киши иш билан таъминланади.

– Бизнинг институт қишлоқ жойларда барқарор ривожланиш масаласи билан шуғулланади ва бу борада Ўзбекистоннинг қатор тегишли илмий-тадқиқот институтлари ҳамда олий ўқув юртлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келади, – дейди Бранденбург институти вакили Клозе Эдгар (ГФР). – Жумладан, ўзбекистонлик ҳамкасблар билан қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасида янги технологиялар ишлаб чиқиш устида иш олиб бормоқдамиз. Ҳамкорлигимиздан кўзланган мақсад қуёш энергетикаси соҳасида янги технологиялар яратиш ва кейинчалик уларни бошқа мамлакатларда ҳам жорий этишдан иборат. Мамлакатингизда мазкур соҳани ривожлантиришга улкан эътибор қаратилаётгани натижасида бу борадаги ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлаш жоиз. Самарқанд вилоятида қуёш фотоэлектр станциясини қуриш лойиҳаси бунга ёрқин мисол бўла олади.

Халқаро форум иштирокчилари Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойлари, жумладан, Регистон майдони, бу ердаги Мирзо Улуғбек, Тиллақори ва Шердор мадрасалари, «Афросиёб» музейи, Мирзо Улуғбек обсерваториясини бориб кўрди, истиқлол йилларида шаҳарда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

– Самарқанд сафари менда унутилмас таассурот қолдирди, – деди Метанол ишлаб чиқарувчилар халқаро ассоциациясининг бош ижрочи директори Майкл Куа Чен-Гуань (Сингапур). – Ўзбекистон азалдан жаҳонда илм-фан ва маданият марказларидан бири бўлган. Улуғбек обсерваторияси, маҳобатли Регистон майдони ва бошқа тарихий обидаларни катта ҳайрат билан кўздан кечирар эканман, ўзбек халқининг кўп асрлик илмий ҳамда маданий анъаналари бугунги кунда ҳам изчил ривожланаётганига амин бўлдим.




Форум қатнашчиларида вилоятнинг Оқдарё туманидаги Пўлатдархон маҳалласида бунёд этилган замонавий уй-жойлар ҳам катта қизиқиш уйғотди.

– Ушбу замонавий уйлар мени ҳайратга солди, – деди Кембриж университети аспиранти Ченг Ли. – Дунёнинг кўплаб давлатларида қишлоқ ёшлари шаҳарга кетиб қолаётгани кузатилмоқда. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва пухта ўйланган замонавий уй-жойлар қуриш дастури, шубҳасиз, ёшларнинг жонажон қишлоғида яшаши ва меҳнат қилишида муҳим омил бўлади. Негаки, бу ерда яратилган шароит шаҳарлардагидан асло қолишмайди.

**Бобур ОБИДОВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**

# ДЕПУТАТЛАР 2014 ЙИЛДА ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

**(Боши 1-саҳифада)**

Фракция аъзолари меҳнат бозоридаги вазиятни яхшилашнинг самарали воситаси сифатида бандликнинг самарали шаклларини, айниқса, кичик бизнес, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш Дастурнинг асосий вазифаларидан бири эканлигини таъкидладилар. Иш ўринларини ташкил этишда кичик бизнес ролини янада ошириш, имкон қадар қулай иш муҳитини яратиш, кичик бизнеснинг кредит ва моддий-хомашё ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш бўйича қабул қилинган қонун ҳужжатларига, бозорда талабга эга истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш дастурларига мувофиқ ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш орқали қўйилган вазифани ҳал этиш кўзда тутилмоқда.

Тайёр қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда ишлаб чиқаришга ихтисослашган қишлоқдаги тадбиркорлик субъектларининг ривожлантирилиши ва кенгайтирилиши 138 мингдан зиёд кишини иш билан таъминлаш имконини бериши таъкидланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари кўриб чиқилган масалани муҳокама этишда алоҳида фаоллик кўрсатдилар, чунки бу йўналиш партиянинг Сайловолди дастуридаги асосий устуворликлардан бири ҳисобланади. ЎзХДП фракция аъзоларининг ишончи комилки, 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ишлаб чиқилиши ва ижро этилиши аҳоли турмуш даражасини оширишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Шу боис мажлисда кўриб чиқилган ҳужжатнинг ижтимоий аҳамиятга молик эканлигига алоҳида урғу берилди.

Партиядан сайланган депутатлар томонидан Дастур лойиҳасида касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларини ишга жойлаштиришга, уларни эгаллаган ихтисослиги бўйича иш ўринлари билан таъминлашга урғу берилди. Шу муносабат билан бўш турган ва захира иш ўринлари ҳисобига касб-ҳунар коллежларининг 500 мингдан зиёд битирувчисини ишга жойлаштириш Дастурнинг муҳим йўналиши эканлиги қайд этилди.

Мажлис чоғида бандлик ва халқ фаровонлигини юксалтириш масалаларини ҳал қилишда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг жавобгарлигини ошириш зарурлиги ҳақида сўз борди. ЎзХДП фракциясининг таклифига кўра, маҳалий ҳокимият ва бошқарув органлари, уларнинг ишчи комиссиялари томонидан тасдиқланган манзилли рўйхатлар ва тармоқ жадваллари асосида ҳар ойда мунтазам равишда тегишли чора-тадбирлар кўрилган ҳолда бандлик ҳудудий дастурлари бажарилишининг бориши кўриб чиқилади.

Фракция аъзоларининг фикрича, бу Дастурнинг бажарилишини реал вақт режимида мониторинг қилиш самарадорлигини ошириш ҳамда тасдиқланган параметрлардан ортда қолаётган корхоналар, тармоқлар ва ҳудудларни аниқлаш, Дастурнинг сўзсиз бажарилишига қаратилган қўшимча чора-тадбирларни кўриш имконини беради.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси вакиллари ўзларининг амалий фаолиятида улар ҳуқуқий ва иқтисодий воситаларни янада такомиллаштириш, шунингдек, тадбиркорликнинг анъанавий маданиятини қайта тиклаш орқали миллий бизнесга кўмаклашишга, ички истеъмол ва экспорт ўсишини таъминлашга, халқ ҳунармандчилигининг барча турлари, хизматлар кўрсатиш ва туризм соҳасини ривожлантиришга, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадини кўзлаганликларига эътибор қаратдилар.

Фракция аъзолари таъкидладиларки, касаначилик иш ўринларининг катта қисмини миллий ҳунармандчиликнинг анъанавий марказлари бўлмиш минтақаларда – Наманган (28,5 минг), Фарғона (27,3 минг), Андижон (21,6 минг), Самарқанд (17,6 минг), Бухоро (18,5 минг) вилоятларида ташкил этиш назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, оилавий тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар ҳамда кафолатлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича ишни давом эттириш зарур бўлади, бу эса 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросининг натижадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Фракциянинг ишончи комилки, кўплаб фойдаланилмаган имкониятларга эга туризмни янада ривожлантириш ҳам ана шундай диққат-эътиборни талаб қилади. Жумладан, бу мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил этишга, шу жумладан, ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи хизматлар кўрсатиш ва туризм соҳасини, бир қатор истиқболли минтақаларнинг инфратузилмасини мунтазам ривожлантириб боришга тааллуқлидир. Фракциянинг фикрича, бу мазкур соҳаларни ривожлантириш ҳисобига туризм ва транспорт инфратузилмасини янада такомиллаштириш кўламини кенгайтириш, шунингдек, мазкур тармоқларда иш билан таъминланганлар сонини кўпайтириш, аҳоли даромадларини ошириш имконини беради.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзолари аксарият мамлакатларда ишсизлик билан боғлиқ жиддий муаммолар кузатилаётган бир шароитда Ўзбекистонда ҳар йили иш ўринларини ташкил этиш бўйича махсус дастур қабул қилинаётганлигини таъкидладилар. Бу демографик омиллар ва иқтисодиётдаги таркибий ислоҳотларни ҳисобга олган ҳолда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, бандлик ва тадбиркорликнинг самарали шаклларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш масалаларига эътибор қаратилаётганлигининг яққол мисолидир.

Фракция вакиллари иш ўринларига юксак даражада эҳтиёж сезилаётган минтақаларда иш ўринларини кўпайтиришга, шунингдек, ташкил этилаётган иш ўринларига, аввало, қишлоқ жойлардаги аёлларни, шунингдек, олий ўқув юртлари ҳамда касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларини ишга жойлаштириш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратдилар. Фракциянинг ишончи комилки, инновация технологиялари соҳасини ривожлантириш, ёшларни касбга қайта йўналтириш ҳисобига ишга жалб этиш муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолиши лозим.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ташкил этилаётган иш ўринларининг барқарорлигини сақлаш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини кенгайтириш юзасидан амалга оширилаётган тадбирларни янада кучайтириш муҳимлигини таъкидладилар. Экоҳаракат депутатларининг фикрича, аҳолини экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатиш соҳасидан кенгроқ фойдаланиш ҳамда уни янада ривожлантириш, табиатни ифлослантирмайдиган технологияларни татбиқ этиш иқтисодий жиҳатдан фаол аҳоли бандлигини оширишнинг йўналишларидан бири ҳисобланади. Уларнинг фикрича, ушбу нуқтаи назардан мамлакатимизда мавжуд табиий салоҳиятни инобатга олган ҳолда экотуризмни янада ривожлантириш ҳамда ушбу соҳада янги иш ўринларини ташкил этиш имкониятларини кўриб чиқиш зарур бўлади.

Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини тасдиқлади ҳамда тегишли қарор қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси**
**Қонунчилик палатасининг**
**Ахборот хизмати**

**Ёшлар келажак эгалари. Тараққиёт давомчилари, яратувчилари. Уларни қўллаб-қувватлаш тараққиётни қўллаб-қувватлаш демак. Иқтисодиётимизда бир соҳа борки, аҳолининг асосий қисми шу соҳада меҳнат қилмоқда. Бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидир. Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши тобора ортиб бормоқда.**

# КЕЛАЖАККА ТИКИЛГАН САРМОЯ

***Молия муассасаларининг ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги хайрли ишларини ана шундай аташ мумкин***

Қолаверса, ушбу соҳа ёшларимизни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошиб боришига эришишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида ёшларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган анжуманда билдирилган фикрлар ва рақамларда ҳам бу янада ёрқин намоён бўлди.

Матбуот анжуманида қайд этилдики, тижорат банклари томонидан "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида

> кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ўтган **10 ой** давомида **6,2 триллион сўм** миқдорида кредитлар йўналтирилди. Шунинг **286,9 миллиард сўм**и ёш тадбиркор, ҳунарманд ва фермерларга ажратилган.

Шу билан бирга, 2013 йилнинг ўтган даври мобайнида ёш оилаларга 150,4 миллиард сўм миқдорида ипотека, 87,8 миллиард сўм миқдорида истеъмол, шунингдек, 47,3 миллиард сўм миқдорида таълим кредитлари берилди.

Ўз навбатида, тижорат банклари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш мақсадларига жорий йилнинг ўн ойи давомида 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 2,7 баробар кўп ёки 116,2 миллиард сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Тижорат банкларининг ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолияти фақат кредит ажратиш билан чекланмасдан, уларни тадбиркорликка жалб этиш мақсадида кенг кўламда тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Марказий банк ва тижорат банклари томонидан сиёсий партиялар, "Камолот" ЁИҲ, Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида "Менинг бизнес ғоям", "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" ҳамда "Ёш тадбиркор – келажакка пойдевор" лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Мазкур тадбирлар доирасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тижорат банклари томонидан 1 215 та кичик бизнес субъектига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат тақдим этилди ва уларга жами 92,5 миллиард сўм сармоя йўналтирилди. Шундан 713 нафар ёш тадбиркор ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг 10 миллиард сўмлик, 293 нафар тадбиркор аёлнинг 9,7 миллиард сўмлик бизнес лойиҳалари имтиёзли шартларда молиялаштирилди.

Амалга оширилаётган ишлар, шубҳасиз, ёшларнинг баркамол бўлиб вояга етишига, жамиятда ўзларининг муносиб ўринларини топишига кўмак бермоқда. Бундай ғамхўрликни ҳис этаётган ёш авлод ўз меҳнати ортидан муносиб турмуш шароитини яратиш, оилавий фаровонлигини таъминлашга интилмоқда.

**Озод ОЧИЛОВ**

Сурхондарё Вилояти

▼ ЖАРАЁН

# БОЖХОНА ХИЗМАТИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

*Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси "Айритом" чегара божхона комплексига темир йўл вагонларини инспекцион-кўрикдан ўтказувчи "Rapiscan Eagle R60" маркали сканер қурилмаси ўрнатилиб, фойдаланишга топширилди.*



Мазкур замонавий қурилма юртимиз сарҳадлари орқали ўтаётган вагонлар таркибини бир неча сония ичида тўлиқ сканердан ўтказиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, божхона кўриги самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Бир йил муқаддам вилоятдаги яна бир – "Галаба" темир йўл чегара божхона постига ҳам шу турдаги сканер қилувчи қурилма ўрнатилган эди.

Ўтган давр мобайнида мазкур қурилма кўмагида 27,4 мингдан ортиқ темир йўл юк вагонлари ўрнатилган тартибда божхона кўригидан ўтказилиб, қиймати 1 миллиард сўмга яқин бўлган товар-моддий бойликлар ноқонуний олиб ўтилишининг олди олинди.

**Дилшод КАМОЛОВ**

Қашқадарё Вилояти

▼ ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ

# ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ВА ОМИЛКОРЛИК МАҲСУЛИ

**Қарши — Қашқадарёнинг ўзига хос хусусиятга эга туманларидан бири. Ери унумдор. Одамлари меҳнаткаш, тадбиркор. Айниқса, деҳқонлари пахтачилик борасида катта тажрибага эга. Давлатимиз раҳбарининг яқинда Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табригида ушбу туман номи илғорлар қаторида тилга олиб ўтилгани эса туман аҳлини бирдай қувонтирди.**

– Жорий йилги мавсум пахтакорларимиз учун катта синов бўлди, – дейди туман ҳокими Ҳасан Омонов. – Баҳорнинг серёмғир, ёзнинг жазирама келиши агротехника тадбирларини ҳар қачонгидан кўпроқ ва самаралироқ ўтказишни тақозо этди. Давлатимиз томонидан яратиб берилган шарт-шароитлар ва имкониятлар, тажрибали деҳқону фермерларимизнинг омилкорлиги ҳамда фидокорона меҳнати эвазига туманимиз пахтакорлари шартнома мажбуриятини ёғин-сочинли кунларга қолдирмай қисқа муддатда адо этишга муваффақ бўлишди. Соҳага илғор технологияларни кенг жорий этиш, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш борасидаги изчил ишлар ҳам бу йилги муваффақиятимизда муҳим аҳамият касб этди. Бу эса, пахтакорларимизнинг ушбу ютуғи Ватанимиз иқтисодий қудратини, халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш, мамлакатимизни обод этишга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, жорий йилда туман пахтакорлари ҳар жабҳада омилкорлик билан иш тутишди. Ердан, сувдан унумли фойдаланилди. Фермерларга ўз вақтида имтиёзли кредитлар ажратилди, уруғлик, ёқилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар дала бошигача етказиб берилди. Йиғим-терим ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилди. Натижада 16 минг 500 гектар ғўза майдонидан қарийб 50 минг тоннага яқин юқори сифатли пахта териб олинди.



**— Мўл ҳосил ва катта даромад техника базасини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади, — дейди фермер Олим Жумаев.**

Маълумотларга кўра, айни пайтда туманда 612 та фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Ҳосилнинг мўл бўлиши кўп жиҳатдан навга боғлиқ. Шунга кўра, ҳудуд деҳқонлари пахтанинг вилоят иқлим шароитига мос навларини танлашга жиддий эътибор қаратишди. "Бухоро", "Бухоро-12" каби олдин экилиб, кутилган натижани берган навлар билан бир қаторда, айрим фермер хўжаликларида янги навлар ҳам синаб кўрилди. Мисол учун, бу йил туманда ана шундай янги навлардан бири – "Порлоқ" нави 500 гектар майдонда экилиб, юқори самара берди. Ушбу нав ҳосилдорлиги ҳар гектар ҳисобига ўртача 38 центнерни ташкил этди.

— Муҳтарам Президентимизнинг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табриги кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди, — дейди "Бектемир ўғли Сайрам" фермер хўжалиги етакчиси Бектемир Бобомуродов. — Ўтган йили ҳар гектар пахта майдонидан 43 центнердан ҳосил олгандик. Бу йил ушбу натижани янгилаб, ҳосилдорликни 45 центнерга етказдик. Дастлабки теримдаёқ шартнома режасини уддаладик. Биргина пахтачиликдан 62 миллион сўм соф фойда олишни кўзлаяпмиз. Олинган даромад эвазига ҳар йили фермер хўжалигимиз моддий-техника базасини мустаҳкамлаб боряпмиз. Ҳозиргача лизинг асосида "ТТЗ-80" чопиқ трактори, 2 та "МТЗ-80" ҳайдов техникасини харид қилдик. Йил охиригача яна янги техникалар олиб келишни мўлжаллаяпмиз. Бундан ташқари, қишлоғимиздаги олти километрлик йўлни таъмирламоқчимиз.



**— Бу йилги даромадимиздан бир қисмини қишлоқни обод этишга йўналтирмоқчимиз, — дейди фермер Бектемир Бобомуродов.**

— Барча агротехника тадбирларини ўз вақтида бажарганимиз бугунги ютуқларимизнинг бош омилларидандир, — дейди тумандаги "Қалдирғоч" фермер хўжалиги раҳбари Олим Жумаев. — Ғўза баргини сунъий тўктиришни ҳам кечиктирмай ўтказдик. Чунки кечки кўсакни етилади деб, ўтирган деҳқон ютқазади. Қолаверса, кечки пахтадан ҳеч қандай фойда йўқ. Ундан олинган ҳосилнинг ҳаммаси паст навга қабул қилинади. Бошқа деҳқончилик ишларини бошлашга ҳам қийинчиликлар туғдиради. 30 гектар ердаги ғўзадан мўл ва сифатли ҳосил етиштириб, шартномавий режани ортиғи билан уддаладик.

Ҳа, туманда бундай ишбилармон, ерни эъзозлайдиган фермерлар жуда кўп. Уларнинг омилкорлиги ва фидойи меҳнати туфайли қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида юқори натижалар қўлга киритилмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг изчил тараққий этишига, аҳоли турмуш фаровонлигининг тобора юксалишига хизмат қилаётир.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.*

ИРРИГАЦИЯ, МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДАГИ МУТАХАССИСЛАР, ОЛИМЛАР, ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР, ДОКТОРАНТЛАР ВА МАГИСТРАНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

# ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ ЕТАКЧИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ОЧИҚ МАЪРУЗАЛАР ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

| № | Маърузачининг фамилияси, исми, шарифи, илмий даражаси ва унвони | Маъруза мавзуси | Сана | Кафедра номи | Ўқув корпуси, аудиторияси, вақти | Маъруза тили |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Асилова Сайёра, катта ўқитувчи | Задачи гражданской защиты. Государственная система защиты населения и территории в чрезвычайных ситуациях | 25 ноябрь 2013 йил | Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги | А-114 16.30 | Рус тилида |
| 2 | Дўстмурадов Ғанибой Давлетбоевич, и.ф.н., доцент | Қишлоқ хўжалигининг асосий ва айланма воситалари, фондлар ва улардан самарали фойдаланиш | 25 ноябрь 2013 йил | Сув хўжалиги иқтисоди | А-214 15.00 | Давлат тилида |
| 3 | Серикбаев Бакир Серикбаевич, т.ф.д., профессор | СИУда сувни ўлчаш иншоотларини танлаш, ҳисоблаш ва жойлаштириш | 26 ноябрь 2013 йил | Гидромелиоратив тизимларидан фойдаланиш | Г-414 10.00 | Рус тилида |
| 4 | Шоазизов Фаррух Шоакбарович, т.ф.н., доцент | ГЭС бинолари ва уларнинг конструкциялари | 26 ноябрь 2013 йил | Сув энергияси ва насос станцияларидан фойдаланиш | Г-104 13.30 | Давлат тилида |
| 5 | Юлдашева Иноят Закиряевна, катта ўқитувчи | Учёт готовой продукции | 26 ноябрь 2013 йил | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит | А-110 8.30 | Рус тилида |
| 6 | Худойназаров Жаҳонгир Курбоналиевич, катта ўқитувчи | Тезкор сувдан фойдаланиш режасини назарий асослари ва амалга ошириш усуллари | 27 ноябрь 2013 йил | Гидромелиоратив тизимларидан фойдаланиш | Г-104 8.30 | Давлат тилида |
| 7 | Ли Марина Рудольфовна, и.ф.н., катта ўқитувчи | Классификация видов рекламы | 30 ноябрь 2013 йил | Сув хўжалигини бошқариш | А-210 15.00 | Рус тилида |
| 8 | Газиева Рано Тешабаевна, т.ф.н., доцент | Гидротехника иншоотларида сув сатҳини автоматик ростловчи техник воситалари | 2 декабрь 2013 йил | Технологик жараёнларни автоматлаштириш ва бошқарув | В-408 8.30 | Давлат тилида |
| 9 | Ахмедов Икромали, т.ф.н., доцент | Электр хавфсизлиги | 3 декабрь 2013 йил | Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги | Г-610 10-00 | Давлат тилида |
| 10 | Валиев Хидоят Иноятович г-м.ф.н., доцент | Сув хўжалик мажмуаси, уни барпо қилиш зарурияти ва принциплари | 5 декабрь 2013 йил | Экология ва сув ресурсларини бошқариш | Г-608 8.30 | Давлат Тилида |
| 11 | Нуржанов Сатбай Ешжанович, т.ф.н., доценти | Эндоген геологик жараёнлар | 5 декабрь 2013 йил | Гидрология ва гидрогеология | Зал-1 10.00 | Давлат тилида |
| 12 | Химматалиев Дўстназар Омонович, п.ф.н., доцент | Олий таълим муассасаларида қўлланиладиган машғулотлар турлари | 9 декабрь 2013 йил | Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси | Г-316 8.30 | Давлат тилида |
| 13 | Аллаберганов Неъмат, катта ўқитувчи | Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ва уни яхшилаш бўйича давлат доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда уларнинг самарадорлиги | 10 декабрь 2013 йил | Гидромелиоратив тизимларидан фойдаланиш | Зал-1 8.30 | Давлат тилида |
| 14 | Фырлина Галина Львовна, катта ўқитувчи | Организация и технология гидроизоляционных работ | 10 декабрь 2013 йил | Гидромелиорация ишларини ташкил этиш ва уларнинг технологияси | В-106 8.30 | Рус тилида |
| 15 | Ашрабова Мавжуда Асқаровна, катта ўқитувчи | Фермер хўжалиги биноларининг пойдеворларини қуриш | 13 декабрь 2013 йил | Гидромелиорация ишларини ташкил этиш ва уларнинг технологияси | Д-102 10.00 | Давлат тилида |
| 16 | Пиримов Одил Жураевич, т.ф.н., доцент | Автоматика релелари ва уларнинг классификацияси | 14 декабрь 2013 йил | Технологик жараёнларни автоматлаштириш ва бошқарув | В-602 8.30 | Давлат тилида |
| 17 | Мусаев Илҳомжон Мақсудович, т.ф.н., доцент | Карталарни дастлабки нусхасини тузишни асосий таснифи | 16 декабрь 2013 йил | Геодезия ва ер кадастри | А-318 15.00 | Давлат тилида |
| 18 | Мамаджанов Алишер, катта ўқитувчи | Қишлоқ хўжалиги объектларида фавқулодда вазиятлар оқибатининг зарар ва талафотини аниқлаш | 17 декабрь 2013 йил | Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги | А-112 13.20 | Давлат тилида |
| 19 | Турсунов Тожибай Нурмухамедович, т.ф.н., доцент | Насос станциялари техник ҳолатини кузатиш ишлари | 17декабрь 2013 йил | Сув энергияси ва насос станцияларидан фойдаланиш | Г-102 8.30 | Давлат тилида |
| 20 | Назаралиев Дилшод Валижонович, қ.х.ф.н., доцент | Сув омборлари | 18 декабрь 2013 йил | Гидрология ва гидрогеология | Г-215 8.30 | Давлат тилида |
| 21 | Ғофиров Азим Жумаевич, катта ўқитувчи | Дарахтзорлар ҳудудларини ташкил этиш | 18 декабрь 2013 йил | Ер тузиш ва ер муносабатлари | А-123 13.30 | Давлат тилида |
| 22 | Ҳайдаров Туйғун Анварович, т.ф.н., доцент | Ер ресурслари ва улардан тежамкорлик билан фойдаланиш | 18 декабрь 2013 йил | Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги | В-512 8.30 | Давлат тилида |
| 23 | Ибрагимов Эркин, катта ўқитувчи | Ёнғин хавфсизлигининг умумий масалалари | 18 декабрь 2013 йил | Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги | В-512 10.00 | Давлат тилида |
| 24 | Кушаев Турсун Камалетдинович, и.ф.н., доцент | Формирование портфеля новшеств и инновации | 19 декабрь 2013 йил | Сув хўжалигини бошқариш | А-210 15.00 | Рус тилида |
| 25 | Табаев Азамат Зарипбаевич, катта ўқитувчи | Капитал фондлар ва молиявий натижалар ҳисоби | 19 декабрь 2013 йил | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит | А-214 10.00 | Давлат тилида |
| 26 | Юнусов Искандар Орифович, катта ўқитувчи | Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлили | 23 декабрь 2013 йил | Сув хўжалиги иқтисоди | А-214 16.30 | Давлат тилида |
| 27 | Музафаров Шавкат, т.ф.н., доцент | Электр ускуналар ҳолатини диагностика қилиш учун замонавий воситалар | 23 декабрь 2013 йил | Гидромелиоратив тизимларни электр энергияси билан таъминлаш ва электр жиҳозларидан фойдаланиш | В-602 11.30 | Давлат тилида |
| 28 | Марупов Исажон, т.ф.н., доцент | Механик қийматларни электр усул билан ўлчаш | 26 декабрь 2013 йил | Гидромелиоратив ишларни механизациялаш | В-314 15.00 | Давлат тилида |
| 29 | Авезбаев Саъдулла, и.ф.д., профессор | Хўжалик марказлари ва ишлаб чиқариш бўлимларини жойлаштиришни иқтисодий асослаш | 27 декабрь 2013 йил | Ер тузиш ва ер муносабатлари | А-125 13.30 | Давлат тилида |
| 30 | Шукурлаев Хайрулло Иноятулаевич, т.ф.н., доцент, | Суғориш усуллари ва техникаси | 17 январь 2014 йил | Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси | Зал-1 8.30 | Давлат тилида |
| 31 | Ражапбаев Махсуд Холлиевич, катта ўқитувчи | Нивелирлаш моҳияти ва турлари. Геометрик нивелирлаш ва унинг усуллари | 17 январь 2014 йил | Геодезия ва ер кадастри | А-318 8.30 | Давлат тилида |
| 32 | Норов Бегмат, катта ўқитувчи | Ёқилғи ва ёниш назарияси асослари | 17 январь 2014 йил | Гидромелиоратив ишларни механизациялаш | В-502 11.30 | Давлат тилида |
| 33 | Раҳмонов Қосимжон, и.ф.н., доцент | Ердан фойдаланувчи субъект ҳудудида ер мониторингини ўтказиш | 21 январь 2014 йил | Геодезия ва ер кадастри | Зал-2 18.00 | Давлат тилида |
| 34 | Исаев Сабиржан Хусанбоевич, т.ф.н., катта ўқитувчи | Ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш | 23 январь 2014 йил | Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси | Г-507 11.30 | Давлат тилида |
| 35 | Ашуров Абдулла Файзуллаевич, катта ўқитувчи | Кўчмас мулк ва унинг бозори | 29 январь 2014 йил | Геодезия ва ер кадастри | А-318 13.30 | Давлат тилида |
| 36 | Худойқулов Хол Жумаевич, п.ф.д., доцент | Касб танлашда шахсга таъсир этадиган омиллар | 30 январь 2014 йил | Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси | Г-610 11.30 | Давлат тилида |
| 37 | Ибраймов Ашикмамут Ибраимович, катта ўқитувчи | Дарё портлари ва уларнинг туркумланиши | 30 январь 2013 йил | Гидротехника иншоотлари ва муҳандислик конструкциялари | Г-206 10.00 | Давлат тилида |
| 38 | Исмоилходжаев Баходир Шарипович, б.ф.д., профессор | Экологик экспертиза турлари | 31 январь 2014 йил | Экология ва сув ресурсларини бошқариш | Г-403 15.00 | Давлат тилида |

ИНСТИТУТ ЎҚУВ-МЕТОДИКА БЎЛИМИ

# ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ (ТИМИ) 2013-2014 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ КАФЕДРАЛАРНИНГ ВАКАНТ ЖОЙЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Гидромелиорация факультети бўйича**

- Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси кафедраси – ассистент.
- Тупроқшунослик ва деҳқончилик кафедраси – кафедра мудири.

**Сув хўжалигини автоматлаштириш ва механизациялаш факультети бўйича**

- Гидромелиоратив ишларни механизациялаш кафедраси – доцент, ассистент.
- Гидромелиоратив ишларни ташкил этиш ва уларнинг технологияси кафедраси – доцент, ассистент.
